2009 йил. 10 июнь, чоршанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 114 (11.425)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

**Пойтахтимизда суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари иштирокида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимнинг долзарб масалаларига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.**

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ТАЪЛИМ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори томонидан ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирликлар, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, олий ўқув юртлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда ЕХҲТ-нинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, хорижий мамлакатлардан соҳа мутахассислари, шунингдек, юртимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари иштирок этди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А.Саидов, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидова, адлия вазирининг ўринбосари С.Холбоев ва бошқалар мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларини демократлаштириш ва либераллаштириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бераётганини таъкидладилар. Бу борада миллий қонунчилигимиз босқичма-босқич такомиллаштирилаётгани, инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг яхлит механизми шаклланганини ва ривожланаётганини муҳим аҳамият касб этмоқда.

*(Давоми 2-бетда).*

**Мамлакатимизда чет эллик сармоядорларга яратилган қулай инвестицион муҳит, уларнинг ҳуқуқий ҳимояси таъминланганлиги ҳамкорликдаги қўшма ва хорижий корхоналар сафи ортишида, уларда ишлаб чиқарилаётган рақобатбардош маҳсулот турлари кўпайишида муҳим ҳисса бўлмоқда.**



## ИМКОНИЯТЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИБ

Ана шундай жамоалар сирасидан бўлган «Байпак-текстиль» хорижий корхонасида кўзланган мақсадларга эришиш йўлида саъй-ҳаракатлар яхши самара бермоқда. Шу боис ҳам жорий йилнинг биринчи чорагида корхона цехларида ип-калава ишлаб чиқариш ҳажми 426,6 минг тоннани ташкил этди. Бу, албатта, имкониятлардан оқилона фойдаланиш, ортиқча харажатларни тежаш ҳисобига амалга оширилди.

Корхонанинг малакали мутахассислари айни пайтда ойига ўрта ҳисобда 155 тонна пахта толасини қайта ишламоқда. Тайёрланган ип-калавалар хом ашё сифатида корхонанинг тижорат ҳамкорларидан саналган пойтахтимиздаги «Байтекс тижарет» хорижий корхонасига етказиб берилмоқда ва улардан сифатли ҳамда чидамли трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кенг қўлланилмоқда.

Корхона йилига 1800 тонна маҳсулот тайёрлаш қувватига эга бўлиб, бунинг учун цехларга компьютер марказидан бошқариладиган замонавий, юксак унумли хорижий технологик линиялар ўрнатилган. Шунингдек, корхонада махсус тайёргарликдан ўтган малакали ишчи-ходимлар ва тажрибали мутахассисларнинг меҳнат қилаётганлиги сифатли маҳсулот тайёрлаш ва уни буюртмачига етказиб беришда қўл келмоқда.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТДА: сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришда малакали кадрларнинг ҳиссаси катта.**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университетида Президентимиз Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарининг араб тилидаги нашри тақдимоти бўлиб ўтди.**

## ПРЕЗИДЕНТ АСАРИНИНГ АРАБ ТИЛИДАГИ НАШРИ ТАҚДИМОТИ

Анжуманда мамлакатимизда аккредитация қилинган дипломатик корпус вакиллари, юртимизнинг маънавият соҳасида фаолият олиб бораётган идора ва ташкилотлари ходимлари, университет профессор-ўқитувчилари ҳамда талаба-ёшлар иштирок этди.

Маълумки, "Юксак маънавият – енгилмас куч" китоби қисқа муддат ичида халқимиз ва кенг жамоатчилигимизни маънавий баркамолликка ундовчи манбага айланди. Бу китобда инсон, халқ ва жамият ҳаётига доир кўплаб долзарб масалалар ҳақида атрофлича фикр юритилган.

"Юксак маънавият — енгилмас куч" асарининг араб мамлакатлари ичида ўзига хос нуфузга эга Қувайт давлатида чоп этилиши, асарда кўтарилган муаммолар, илгари сурилган ғоя ва қарашлар, баён қилинган фикр-мулоҳаза ва хулосалар нафақат мамлакатимиз, балки араб оламида ҳам катта қизиқиш уйғотганидан далолат беради.

Анжуманда сўзга чиққан нотиқлар мазкур асарнинг аҳамияти ҳақида фикр-мулоҳаза билдирдилар, унинг нафақат Ўзбекистон, балки қатор дин ва цивилизациялар туташган минтақа халқлари учун ҳам беназир эътиборга молик эканини таъкидладилар.

Жумладан, маънавият башарият тарихининг барча даврларида юрт ва миллат тақдирида ҳал қилувчи ўрин тутгани, унинг буюк мақсадлар йўлида бирлаштирувчи бунёдкор куч, одамзоднинг юксак фазилатларини ўзида мужассам этган бебаҳо бойлик бўлиб, халқ ва Ватан манфаатига хизмат қилишини алоҳида гапириб ўтдилар.

Шунингдек, тақдимотда жаҳон миқёсида кечаётган глобаллашув жараёнлари одамзод тафаккурининг юксак ва эркин намоёни бўлган илм-фаннинг илғор ютуқлари, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, хусусан, Интернет тизими турли давлатлар ва минтақалар ўртасидаги чегараларни очиб бераётган бир вақтда айрим сиёсий кучларнинг ғаразли ниятлари мафкуравий қурол вазифасини ҳам ўтаётгани, бундан инсонларнинг, авваламбор ёшларнинг онгу тафаккури ва маънавий оламини асраб-авайлаш муҳим вазифалардан экани таъкидланди.

Хорижий меҳмонлар ҳаққонийлик ва поклик устунларига қурилган ислом динининг моҳияти ҳамиша эзгуликка, бағрикенгликка, халқ маънавиятини юксалтиришга кўмаклашишини қайд этиб, ислом дини ниқобида ўзларининг ғаразли мақсадларига эришишга уринаётган фирқа ва оқимларга қарши доимо сергак ва ҳушёр туриш зарурлиги борасидаги муаллифнинг фикрларини эътироф этдилар. Шу боис тинчлик ва меҳр-оқибатни ўзида мужассам этган "... муқаддас ислом динимизни пок сақлаш, уни турли хил ғаразли хуруж ва ҳамлалардан, туҳмат ва бўҳтонлардан ҳимоя қилиш, унинг асл моҳиятини униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизга тўғри тушунтириш, ислом маданиятининг эзгу ғояларини кенг тарғиб этиш вазифаси ҳамон долзарб бўлиб қолаётганлиги" борасидаги Ислом Каримовнинг қимматли фикрларини кўрсатиб ўтдилар.

Асар равон ва таъсирчан тилда ёзилганлиги, ўта муҳим ва ечилишини кечиктириб бўлмайдиган муаммоларни ўртага қўйгани, миллати, фуқаролиги, эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар ҳар бир соғлом тафаккурли инсон учун юксак маънавий озуқа бўлиши барча иштирокчилар томонидан қайд этилди.

Тақдимотда мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги дўстликни, ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш ишига Президент Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асаридаги теран фикрлар, муштарак ёндашувлар холис хизмат қилиши алоҳида таъкидланди.

Тадбир иштирокчиларининг якдил фикрича, ўзининг маъно-мазмуни, мавзуси ва кўтарилган муаммоларнинг қамрови, йўналишига кўра ноёб бўлган бундай асар нафақат муаллифнинг, балки Ўзбекистон халқи ва миллатининг кўп йиллар давомидаги ҳаётий, ижтимоий-сиёсий тажрибалари, жаҳонда содир бўлаётган воқеаларнинг таҳлили заминида яратилгандир.

**(ЎзА)**

## ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикасининг Португалиядаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси (қароргоҳи Парижда жойлашган) Баҳромжон Аълоев Португалия Президенти Анибал Сильвага ишонч ёрлиғини топширди.

Суҳбат чоғида А.Сильва Ўзбекистон — Португалия муносабатларининг сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-ижтимоий соҳалардаги ҳозирги ҳолати ҳамда истиқболларига ижобий баҳо берди.

А.Сильва ўз мамлакати икки давлат халқлари манфаати йўлида Ўзбекистон билан Португалия ўртасидаги ўзаро фойдали ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканини билдирди.

**«Жаҳон» АА**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **КЕЧА** Сергели туман ҳокимлигида Ўзбекистон экологик ҳаракати ташаббуси билан экологик муҳитни асраш, экологик муаммоларни бартараф этишда ёшларнинг, маҳаллалар фаолларининг роли масаласига бағишланган тадбир ўтказилди.

✓ **КЕЧА** Республика Байналмилал маданият марказида Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши «Аёллар қаноти» ташаббуси билан уюштирилган кўрик-танлов «Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони» деб номланди.

✓ **ҒАФУР** Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилган хайрия тадбири «Болалар кулсин дунёда» деб номланди.

✓ **КЕЧА** Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида талаба-ёшларнинг фахрийлар билан учрашуви ташкил этилди.

✓ **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида «Қуёшча» тасвирий санъат студияси ташаббуси билан «Ёз — ўтмоқда соз» мавзуида расмлар кўрик-танлови уюштирилди.

## XXI аср садоси

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- **Бугун Самарқанд шаҳрида «Мирзо Улуғбекнинг жаҳон илм-фанига қўшган ҳиссаси» мавзуида халқаро илмий конференция бошланди. Унда Ўзбекистон, Франция, Италия, Россия, Туркия, Япония, Хитой, Эрон, Ҳиндистон, Бангладеш, Озарбойжон каби қатор мамлакатлардан олимлар, эксперт ва мутахассислар, юртимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилот вакиллари иштирок этмоқда.**
- **Шаҳрисабзда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси «Одам савдоси — замонамизнинг глобал муаммоси» мавзуида семинар ўтказди.**
- **Тошкент темир йўл вокзалидан Тошкент — Рибачье (Иссиққўл кўли) — Тошкент йўналиши бўйича қатновчи дастлабки поезд йўлга чиқди.**
- **Қўқон нефть ва газ саноати касб-ҳунар коллежи қошида Ўзбекистон ва Швейцариянинг «Касбий кўникмаларни ривожлантириш» лойиҳаси доирасида махсус марказ ташкил этилди. Бу ерда автоматлаштирилган тизимларга техник хизмат кўрсатиш, созлаш ва таъмирлашга ихтисослашган мутахассислар тайёрланади.**
- **Гулистон шаҳрида нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси иш бошлади. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган мазкур корхона кунига икки тонна қолипли ва бошқа турдаги нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга.**
- **Вобкент туманида «Намуна альфа текс» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади. «Микрокредитбанк»нинг 200 миллион сўм миқдоридаги имтиёзли кредити ҳисобига барпо этилган ушбу корхона буюртмачи — «Пахтасаноат» вилоят ҳудудий бошқармаси тизимидаги корхоналар учун ойига 10 минг погон метр бўз етказиб беради.**
- **Ғаллаорол саноат касб-ҳунар коллежида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Ярмаркада иштирокчиларга 110 та бўш иш ўрни тавсия этилиб, тадбир якунида 102 нафар фуқарога ишга жойлашиш учун йўлланма берилди.**
- **Республика Қизил Ярим Ой жамиятининг Сирдарё вилояти бўлими ҳузуридаги Ёшлар маркази ташаббуси билан 27-Меҳрибонлик уйида «Мустақил Ватан фарзандларимиз» шиори остида хайрия тадбири ўтказилди.**

### ЖАҲОНДА

- **Россия ва Сербия ўртасида ҳар икки мамлакат фуқароларининг ўзаро визасиз ҳаракатланиши тўғрисидаги битим кучга кирди.**
- **АҚШ Мудофаа вазири Р.Гейтс мамлакат ҳаво ҳужумига қарши мудофаа тизими КХДР томонидан йўналтириладиган барча ракеталарни уриб тушириш имкониятига эга эканлигини таъкидлади.**
- **Куба маъмурлари пасайтирилган нархларда аҳолига бериладиган энг зарур озиқ-овқат маҳсулотлари меъёрини камайтирди.**
- **Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти A/H1N1 вируси билан касалланганлар сони 73 та мамлакатда 26,5 минг кишидан ошганлигини маълум қилди. Шулардан 140 нафари ҳаётдан кўз юмган.**
- **Кеча Покистоннинг Пешавар шаҳридаги энг ҳашаматли меҳмонхоналардан бирида амалга оширилган террорчилик ҳаракати натижасида 11 киши ҳалок бўлди, 70 га яқин киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди. Улар орасида хорижлик фуқаролар ҳам бор. Тахминларга кўра ушбу қўпорувчилик ҳаракатининг ортида «Толибон» жангарилари турибди.**
- **Лондонда метро, темир йўл ва денгиз транспорти ходимларининг икки кунлик иш ташлашлари бошланди.**
- **Италиянинг шимоли-шарқий қисмида рўй берган кучли бўрон хуружи натижасида кўплаб уйларнинг томи учиб кетди, дарахтлар қўпорилди, 20 киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди.**
- **Япониянинг «Мицубиси» компанияси электр энергияси ёрдамида ҳаракатланадиган кичик автомобиль ишлаб чиқарди. Ушбу автомобиль атроф-муҳитга ҳеч қандай зарар етказмайди, электрдан бир марта қувват олдирилса, 160 километр масофагача ҳаракатланиши мумкин.**
- **Россиянинг «Газпром» компанияси «Нафтогаз Украини» томонидан кейинги ярим йил давомида етказиб берилган газ учун барча тўловлар тўлалигича тўланганлигини маълум қилди.**
- **Россия Федерациясининг Омск шаҳри чеккасида катта туркумдаги ўта заҳарли кимёвий моддалар сақланаётган эгаси йўқ омбор топилди. Ҳозирда омбордаги кимёвий моддаларни зарарсизлантириш устида иш олиб борилмоқда.**
- **АҚШнинг Техас штатида бўлиб ўтган 13-халқаро Вэн Клайберн номидаги пианиночилар танловининг икки ғолибидан бири 20 ёшли кўзи ожиз япон мусиқачиси Нобуюки Тсудзи бўлди. У мазкур нуфузли танловнинг 47 йиллик тарихи давомида ғолиб чиққан дастлабки кўзи ожиз мусиқачидир.**

№ 114 (10.06.09)

Тинчлик ва дўстлик рамзи 2200 2009 Тошкент

# Юртимнинг юрагисан, азим пойтахтим!







Бугунги Тошкент

**Пойтахтимизнинг тарихий манзарасида асрлар оша қад кўтарган сон-саноқсиз тураржойлар топонимиясида ўзига хос бениёз маъною сифатларни англатувчи турли фонетик шакллардаги атамалар қайд этилади.**

Тарих зарварақларидан

## УЗОҚ ВА ЯҚИН ЎТМИШ МАНЗАРАЛАРИ

Уларда нафақат шаҳар ва унинг теварак-атрофи табиати, хусусан, пасту баландликлардан иборат ер сатҳи ёки шаҳарликларнинг оби ҳаёт манбаи анҳору суғориш тармоқлари, балки шаҳар маъмурий қисмларининг кўрки бўлган даҳа, маҳалла-кўй, иморату иншоотлари ва уларда ўз инъикосини жилолаган шаҳарсозлик маданиятининг умум тадрижий дарожати ҳам бекиёс маъною мазмунда ифодаланади.

XIX асрда Тошкентда яшаган муаррих Муҳаммад Солиҳхўжанинг «Тарихи жадидайи Тошканд» (Тошканднинг энг янги тарихи) номли китобида ёзилишича, XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб шаҳар тўрт даҳа (туман)дан иборат мустақил жумҳурият асосида маҳаллалар кенгашида сайланган оқсоқоллар томонидан бошқарилган.

Дастлаб шимолий даҳа Каффоли Шоший, жанубийси — Занги ота, шарқийси — Шайхонтоҳур ва ғарбийси – Шайх Зайниддин номлари билан таъриф этилса-да, шаҳар аҳли ўртасида улар аксарият Себзор, Бешоғоч,Шайхонтоҳур ва Кўкча (Коҳча) деб юритилган.

Бу даврда Тошкентда шаҳарликлар томонидан тан олиниб сайланган ҳокими мутлақ ҳали қарор топмаган эди. Шу боисдан шаҳар тўрт мустақил даҳаларга ажратилиб бошқарилган. Ҳар бир даҳанинг бошқарув маъмурияти жамоатчилик асосида сайланган оқсоқоли, қозиси, раиси, муфтийси, имому сўфилардан иборат бўлган.

Шаҳар мудофааси, бозор, хусусан нарх-наво масалалари чор ҳокимлар томонидан биргаликда ҳал этилган. Шунинг учун ҳам бу давр Тошкент шаҳри тарихида «чор ҳокимлик» номи билан шуҳрат топган.

Муҳаммад Солиҳнинг таърифлашича, чор ҳокимлик даврида Шайхонтоҳур даҳасида Юнусхўжа бинни Ҳидоятхўжа, Бешоғоч даҳасида Дониёрхўжа, Кўкча даҳасида Исҳоқхўжа ва Себзор даҳасида Шоҳбеклар ҳокимлик қилганлар. Ҳар бир даҳада ўнлаб маҳалла, бир нечта масжид ва мадраса, ҳаммом ва бозорлар бўлган. Масалан, Себзор даҳасида 38 та маҳалла, 3 та мадраса ва 10 та масжид қад кўтарган. Себзорликлар асосан этикдўзлик, бўёқчи-нилчилик ва бўзчилик билан кун кечиришган.

Бешоғоч даҳаси 32 та маҳалладан иборат бўлиб, унда 3 та мадраса ва 68 та масжид фаолият кўрсатган. Бешоғоч даҳаси боғу роғлари, эгарчи ҳунармандлари, «қизил иш» (от ёпунгичи)тикувчилар ва ғиштчилари билан шуҳрат топган. Шайхонтоҳур даҳасида 48 та маҳалла, 6 та масжиду 3 та мадраса бўлиб, аҳолиси эгарчилик ва бўзчилик билан шуғулланган. 31 та маҳалла, 3 та мадраса, 51 та масжиддан иборат Кўкча даҳа аҳолиси кўнчилик ва этикдўзлик билан ҳаёт кечиришган.

Бу даврда Тошкентнинг тўрт даҳаси 12 та дарвозали мудофаа девори билан иҳота қилинган. Улар Қиёт, Турк, Ўзбек, Қанғли, Бешоғоч, Тахтапул, Қорасарой, Чиғатой, Суъбониён (Сағбон), Кўкча, Камондарон ва Қатағон каби номлар билан юритилган.

Муҳаммад Солиҳхўжанинг ёзишича, ҳар бир дарвозани қўриқлаш ва унда посбонлик қилиш айрим қабилалар зиммасига топширилган.

Асрлар оша шаҳар майдонининг кенгайиши оқибатида дарвозаларнинг ўрни силжиб, ҳатто сони ҳам, номи ҳам ўзгариб турган. Тошкент шаҳрининг сўнгги девори XIX аср бошларида беклар беги ҳокимлиги даврида қайта тикланиб, унинг теварак-атрофи бўйлаб Қўймас, Қўқон, Қоғар, Лабзак, Тахтапул, Қорасарой, Сағбон, Чиғатой, Кўкча,-Самарқанд, Камолон, Бешоғоч каби номлар билан ифодаланган дарвозалар ўрнатилган. Турли томонларда жойлашган шаҳар, эл-юрт ва музофотлардан Тошкентга ташриф буюрган савдогару элчи, дарвешу мусофирлар каби келиб-кетувчилар, ҳар бир дарвозадан шаҳар маркази —бозор томон йўналган кўча-кўйлар орқали шаҳарга кириб борган. Шаҳарнинг марказий бозори Эски Жўва (аслида Иско Жўба), яъни юқори катта (жаҳон) бозори деб юритилган. Мазкур савдо-сотиқ маскани бетараф, сершовқин ўзаро мулоқот макони бўлиб, шаҳар даҳаларининг тала-тўполон олишув ва курашлари вақтида ҳам қизғин савдо давом эта берган. Кўча-кўйлар туташган чорраҳалар гузар деб юритилган. Гузарлар маҳалла-кўйларнинг гавжум маркази ҳисобланган. Чунки чорраҳа гузарларида маҳалладошларнинг кундалик эҳтиёжига хизмат қиладиган новвойхона, баққоллик, қассоб дўкони, масжид, чойхона, ҳовуз, сартарошхона, ямоқчилик корхоналари, баъзиларида эса ҳатто мўрча (ҳаммом) ҳам жойлашган.

Археологик қазишлардан аён бўлишича, илк бинокорлик, яъни дастлабки рамзий шаҳарсозлик маданияти ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида милоддан аввалги икки минг йилликнинг иккинчи чорагидан то мазкур милоддан аввалги биринчи минг йилликнинг охирги чораги давомида шаклланган. Мазкур тарихий босқичда, гарчи катта-кичик илок «шаҳарча» сифатидаги масканлар қад кўтарган бўлса-да, аммо қадимги ерли аҳоли тилида «шаҳар» шаклида талаффуз этиладиган сўз, яъни турдош жой номининг ўзи ҳам ҳали пайдо бўлган эмасди. Бундай умум турдош атама «Маскат», яъни катта тураржой ёки «димас» — катта қишлов жой, шунингдек, «пирмаст», яъни катта девор ёки қўрғон ва қалъа маъноларини англатувчи шаклларда ифода этилган. Шу боисдан ёзма манбаларда қадимги даврда Самарқанд ва Марғилон шаҳарлари Маскат, Тошкент (Тошкат) эса Тошқўрғон ёки Тошқала баъзан Қўйимас, яъни катта маҳалла номлари билан тилга олиниши тарихан айни ҳақиқий манзарани намойиш этади.

Қадимий кўҳна шаҳарлар — Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Шаҳрисабз(Кеш) ва Марғилон (Марғинон)ларнинг тарихий топографияларини қиёслашдан аён бўлишича, барча йирик шаҳарларда маҳалла-кўю кўчалар, тураржойлару устахоналар, бозору расталар, ибодатхоналару мадрасалар билан бир қаторда шаҳар ҳокимияти учун махсус қароргоҳ (иморат)лар ҳам қад кўтарган. Шаҳар ҳаётини бошқарувчи ҳукмдорнинг саройи бино қилингач, тарихий маскат – катта қишлоқ аҳоли истиқомат қиладиган оддий умум тураржой маъносини йўқотиб, ҳукмдор шоҳ қарор топган, яъни турадиган «баланд жой» мазмунидаги «шаҳристон», яъни шоҳўр-истон шаклидаги атама билан юритилиб кетган. Мазкур тарихий атама маълум ҳудудий бошқарув тузуми, иқтисодий, маънавий-маданий ҳаётнинг маркази каби тушунчаларни умумлаштирган турдош ном бўлса-да, бироқ ҳар бир шаҳарнинг географик ўрни, хўжалиги, касб-ҳунари ва маънавий ҳаётининг ўзига хослиги, ҳатто айрим сифатлари билан ҳам, ниҳоятда сермазмун бекиёс топонимлар билан ифодаланган.

Тошкентнинг йигирма икки асрлик ўтмиши даври давомида кечган шиддатли тарихий жараёнлар оқибатида мазкур кўҳна шаҳримизнинг ўтмиш географияси ҳам, топографияси ҳам, ҳатто унинг дастлабки номланиши ҳам деярли ўзгариб кетган бўлса-да, бироқ кейинчалик ҳозирги Тошкент шаҳри ҳудудида шаклланган маҳалла-кўйлар, биною иншоотлар, илмгоҳлару зиёратгоҳларнинг атамаларида узоқ ва яқин ўтмишнинг тарихий манзараси маълум даражада ўз ифодасини сақлаб қолган. Масалан, XX аср бошларида айрим маълумотлар бўйича Тошкент шаҳрида ҳаммаси бўлиб 281 маҳалла, 180 мавзе, 283 масжид, 26 та мадраса бўлган. Ҳозирги вақтда республикамизда 10 мингдан ортиқ, биргина пойтахтда 474 та маҳалла мавжуд. Шаҳар бўйлаб уч мингга яқин кўча-кўйлар тармоқ отган.

Ўтмишда Тошкентнинг тўрт даҳаси чегараси уларни узунаси ёки кўндаланг кесиб ўтган марказий кўю кўчалари бўйлаб белгиланган. Маҳаллалар эса гузарлари билан ажралиб турган. Маҳалла гузарлари орқали йўналган кўчаю кўйлар бўйлаб қатор иморату иншоотлар, масжиду мадрасалар қад кўтарган, баъзан эса айрим майдонлар ҳам ястанган. Тошкент шаҳри ва атрофида қайд этилган топонимия хилма-хил ва ниҳоятда микротопонимларга бойдир. Масалан, XX аср бошларида шаҳарда 500 тагача ҳовуз, 1500 бозору расталар, 5000 га яқин дўкон, 40 та зиёратгоҳ, қарийб 200 та боғ ҳовли-мавзелар бўлган.

Шаҳар маҳалла-кўйлари номланиши жиҳатидан ниҳоятда қурама. Улар тизимида турк-ўзбек, сўғд, форс-тожик, баъзан ўзбек-мўғул, турк-тожик, араб-форсий бирикмалар асосида шаклланган урбоним, гидроним, ороним ва этнонимлар қайд этилади. Масалан, Бўрижар, Бўз, Жаркўча, Зах, Лабзак, Пастак, Сарикўл, Тошариқ, Хадра, Шўртепа, Ўркўча, Чуқурқишлоқ, Чуқурсой, Ўртатққай, Янгоғоч, Регистон, Қумлоқ, Чангалзор, Инғичка қўриқ Қурқават (Қўриқ работ) каби атамалар умум турдош номлар асосида шаклланган оронимлардир.

Тошкентнинг сув манбаларини англатувчи гидронимларнинг аксарияти, гарчи ўзбек ва туркий сўзлар асосида юзага келган бўлса-да, аммо улар тизимида арабий, форс-тожик ва айрим мўғулча бирикма атамали гидротопонимлар ҳам шаклланган. Масалан, Бўзариқ, Дамариқ, Дархон (Тархон) ариқ, Йўлариқ, Лабзакариқ, Нишабариқ, Терсариқ, Тошариқ, Чангалариқ, Қувурариқ ва бошқалар шулар жумласидандир.

Шаҳар топонимиясида касб-ҳунар атамалари билан юритилган маҳалла-кўй ва мавзелар алоҳида ўринга эга. Уларнинг каттагина қисми арабий, форс-тожик атамалар асосида шаклланган. Улар асосан бозор, ҳунармандчилик расталари ҳамда турли хил устахоналар жойлашган маҳалла-кўй номлари сирасига оиддир. Масалан, Атторлик, Баззозлик, Деҳрез (Дароз), Заргарлик, Кўнчилик, Маҳсидўз, Мисгарлик, Новвойгузар, Парчабоф, Табибкўча, Тақачи, Темирчи, Чилангар, Эгарчи, Ўқчи ва Хизматчи каби топонимларда шаҳар ҳунармандчилиги ва унинг турли соҳалари ҳамда жойлашган манзиллари яққол ифода этилади.

Қадимдан Тошкент жаҳон бозори карвон йўлларининг чорраҳасида жойлашгани туфайли ички ва ташқи савдо бозорида муҳим ўринга эга бўлган, «Тарихи жадидайи Тошканд» номли китобнинг муаллифи Регистон майдонида ястанган Эски Жўва номли бозорни шаҳарни асосий савдо маркази сифатида таърифлаб, «унинг дўкон-расталари Чорсудаги қандолатпазлик дўконигача давом этади. Рамазон ойида бу ерда кечаси ҳам бозор бўлади» у «бозори шаб» деб юритилганини таъкидлайди. XIX асрнинг охири — XX аср бошларида Тошкентда бозор расталарининг сони 1500 тага етган. Улар рўйхатидаги Атторлик, Баззозлик, Бандак (паранжи)бозори, Дўппибозор, Ипакбозор, Калавабозор, Кетмонбозор, Майизбозор, Мошфурушлик, Сабзибозор,Сўкфуруш, Тузбозор, Унбозор, Ковушбозор, Кўрпабозор, Қаймоқбозор каби атамалар Тошкент тарихда ички ва ташқи савдо муносабатларда ҳар томонлама кенг ривож топиб, жаҳон савдосида ўз ўрни билан шуҳрат топганлигидан далолат беради.

Тошкент шаҳри топонимиясининг маълум бир қисми халқ, элат, қабила, уруғ-аймоқ ёки уларнинг айрим гуруҳ ва тўпламлари номлари билан боғлиқ этнотопонимлар билан ифодаланган. Уларнинг аксарияти маҳалла-кўй, кўча ва дарвозалари атамалари қаторида қайд этилади. Бундай нуфузли номлар Ўзбак, Тожик, Турк, Қашқар маҳаллалари ёки Эрон, Жуҳудраста, Қозоқбозор, Қирғизкўприк, шунингдек, Ёбу, Калтатой, Қиёт, Мўғол, Мўғулча, Турктепа, Нўғойқўрғон, Нўғойтўпи, Чимбой, Чиғатой, Чувалачи, Қанғли (Қани), Қорамурт каби шаклларда тилга олинади. Бундай этнотопонимларнинг аксарияти Тошкентнинг эски шаҳар қисми атрофида қайд этилган.

Тарихий топографик манзара, шубҳасиз, аввало ўрта асрларда, қатор туркий қабилаларни ўтроқлашиб, Тошкентдек бағрикенг шаҳар атрофида жойлашганидан далолат берса, қолаверса ўтроқ шаҳарликлар бундай жанговар қўшимча кучдан мудофаа мақсадида фойдаланганлар. Шаҳар дарвозаларининг номланишидан аён бўлишича, уларга дарвозаларда посбонлик қилиш топширилган. Масалан, Қўйимас дарвозасини қиёт қабиласи ҳимоя қилган. Қиётликлар Анҳор сувининг ўнг соҳилида, ҳозирги Мустақиллик майдони рўпарасида жойлашган шу номдаги маҳаллада яшаганлар. Кўкча Ёбу, Чиғатой (Қўшчи Ота) дарвозасининг муҳофазаси чиғатойликлар зиммасига юклатилган. Муҳаммад Солиҳхўжанинг ёзишича, Қорасарой, Бешоғоч ва Камолон (Камондорон) дарвозалари ҳам мазкур номлардаги уруғ ва қабилалар номлари билан юритилган. Демак, Тошкентда ўша даврда нафақат ўтроқ ҳунарманд ва чорвадор аҳоли қоришиб ҳаёт кечирганидан, балки у чегарадош қўшни мамлакат аҳолиси билан ҳам ўзаро савдо ва маданий алоқада бўлганидан далолат беради. Шу боисдан бўлса керак, унинг маҳалла-кўй ва кўчаларида ўзбек ва туркий атамалар қаторида форс-тожик, арабий, баъзан икки тилдаги қўшалоқ бирикма сўзли номлар ҳам учрайди. Масалан, Дероз (Дегрез) — чўянгар, яъни чўяндан қозон, омоч тиши, узанги, ҳаввонча (келича), ўғир каби асбоб-ускуна ва буюмлар ясовчи; Мерганча (мўғулча) сарбоз, ўқчилар маҳалласи; Бўржар тошқин ўпирган жарлик; Дўмбиробод аслида Дамгирработ йўлдаги дам оладиган қўноқ; Парчабон атлас ва кимхоб тўқувчилик; Посира беватан, ялангоёқ корранда; Сағбон бозор аҳли; Хадри адирлик; Эски Жўва аслида Иско Жўба юқори, яъни Катта бозор демакдир.

Шунингдек, Қорёғди урбоними қор ёғишини англатмайди. Ҳатто унинг халқимиз томонидан хотира куни тарзида ўтказиладиган анъанавий урф — «қор ёғди» мотам маросимига ҳам ҳеч қандай алоқаси йўқ. Мазкур атама арабча «Қария» ва форс-тожикча «ди» шаклларидаги қишлоқ маъносини англатувчи икки тилдаги бирикмали синонимик урбонимдир. Шунга ўхшаш Қурвақавот атамаси ҳам аслида Қуруқравот, яъни Қуруқ даштдаги равот ёки қўноқ маъносини англатган.

Хуллас, йигирма икки асрлик ўтмишда содир бўлган улкан тарихий жараёнлар оқибатида илк бор қад кўтарган Тошкент шаҳри ҳудудининг тарихий географияси, хусусан, топографияси билан бир қаторда унинг Чоч, Чочкат, Шош, Мадинат-уш-Шош деб юритилган қадимий номлари ҳам ўзгариб, тарих саҳифаларида қолдирилган. Бироқ шундай бўлса-да, кўҳна шаҳарнинг пойдевори асосларида янгидан барпо этилган Бинкат, яъни Тошкентнинг ниҳоятда бой ва серқирра топонимиясида шаҳар тарихининг ҳаётий манзарасининг жилоси маълум даражада сақланиб қолган. Унинг маҳалла-кўйлари урбоними, гидроними, этнотопоними ва оронимларида нафақат тошкентлик аждодларнинг тили, ижтимоий, маиший ва маънавий ҳаётининг айрим муҳим жиҳатлари, балки уларнинг ички ва ташқи дунё билан олиб борган серқатнов ўзаро муносабатларининг аниқ излари ҳам ўз инъикосини топган.

**Абдулаҳад МУҲАММАДЖОНОВ,**
**Ўзбекистон Фанлар академияси академиги.**

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ТАЪЛИМ

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар жамият тараққиётига ҳамоҳанг тарзда чуқурлашиб бораётгани барча соҳаларда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари изчил ҳимоя қилинишига хизмат қилмоқда. Жумладан, суд-ҳуқуқ соҳаси ходимлари малакасини ошириш, масъулиятини кучайтириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизимининг янада самарали ишлашига хизмат қилаётир.

— Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимида қисқа даврда амалга оширилган ислоҳотлар пухта ишлангани ва ҳаётийлиги туфайли юксак самаралар бермоқда, - дейди Тюлейн университети (АҚШ) профессори Кристофер Осакве. — Бу ислоҳотлар биринчи навбатда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилгани қувонарлидир. Ўзбекистонда сўнгги йилларда инсон ҳуқуқларини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасида амалга оширилган улкан ишларнинг энг муҳим жиҳати — жиноий жазо тизимидан ўлим жазоси бекор қилинганини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Мамлакатимизда соҳа учун малакали кадрлар тайёрлаш, бўлажак ҳуқуқшуносларга ҳар томонлама пухта билим бериш борасида ҳам зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳозир юртимизда Тошкент давлат юридик институтидан ташқари тўртта университетда ҳуқуқшунослик факультети, бир нечта ҳуқуқшунослар малакасини ошириш муассасалари изчил фаолият юритмоқда. Инсон ҳуқуқлари бўйича ўқув курслари таълим тизимига киритилгани мазкур соҳадаги муҳим ишлардан бири бўлиб, барча йўналишдаги таълим муассасаларида муваффақиятли ўқитилмоқда.

Конференцияда инсон ҳуқуқлари бўйича таълим йўналишини ривожлантириш, мазкур соҳадаги хорижий тажрибани ўрганиш, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш каби масалаларга бағишланган маърузалар тингланди ва муҳокама қилинди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

Санъат

## ЮБИЛЕЙ ФИЛЬМЛАРИ

**Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган қатор экран асарлари яратилмоқда. Бундай ижод намуналаридан бири «Шарқ дурдонаси» деб номланади.**

Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар студияси томонидан суратга олинган бу картинада қадимий ва гўзал пойтахтимиз ҳаётини тараннум этувчи лавҳаларга кенг ўрин берилган. Уни экранлаштириш жараёнида кўплаб архив материалларидан фойдаланилди.

Қисқа метражли фильмларда ҳам Тошкент манзаралари ўз аксини топди. «Ўзбек футболи антологияси» деб номланган фильм ҳам томошабинларга яхши совға бўлди.

Шаҳримиз юбилейи олдидан яна қатор қизиқарли экран асарлари юзага келаётир.

## АНСАМБЛЛАР МАҲОРАТИ

**Марказий темирйўлчилар маданият саройида фаолият кўрсатаётган бадиий ансамбллар томонидан тайёрланаётган концерт дастурлари томошабинларда яхши таассурот қолдирмоқда. «Ниҳол» рақс жамоаси эса Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб янги томоша дастурини тайёрлади.**

«Тасанно» халқ чолғу ансамбли ҳам юбилейга катта тайёргарлик кўрмоқда.

«Ўзбекистон, сени куйлайман» санъат фестивалида ҳам бу ижодий жамоалар ўз ижрочилик маҳоратларини намойиш қилишди. Уларнинг чиқишлари фестивал томонидан яхши баҳоланди.

«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат компанияси ва тармоқ касаба уюшмаси марказий маданият саройида яна қатор янги ижодий гуруҳларни тузишни режалаштирди.

## ЖОЗИБАДОР ЛАВҲАЛАР

**Кейинги йилларда пойтахтимиздаги «Гала-фильм» студияси мухлисларни қатор янги экран асарлари билан хушнуд этди. Яқинда экранлаштирилган «Бу гўзал ва сирли олам» фильми ҳам томошабинларга манзур бўлди.**

Беш қисмдан иборат ушбу картинада акс этган воқеалар ўзига хос бадиий лавҳаларда талқин қилинди.

Шуниси ҳам эътиборлики, фильм мусиқий лавҳаларга бой. Уларда гўзал оламни ифодаловчи оҳанглар кишига завқ бағишлайди.

Студия яна қатор экран асарларини суратга олишга киришди.

**Улуғой НОРҚОБИЛОВА**

# Адабиёт ва санъат

## МИР АЛИШЕР НАВОИЙ ҲИКМАТЛАРИ

*Хирадманд чин сўздин ўзга демас,*
*Вале бари чин ҳам дегулик эмас.*

* * *

*Киши чин сўз деса, зебодурур,*
*Неча мухтасар бўлса, авлодурур.*

* * *

*Чин сўз мўътабар, яхши сўз мухтасар.*

* * *

*Илмни ким воситайи жоҳ этар,*
*Ўзинию халқини гумроҳ этар.*

* * *

*Олам аҳли билингизким, иш эмас душманлиғ,*
*Ёр ўлунг бир-бирингизгаки эрур ёрлиғ иш.*

* * *

*Тилинг бирла кўнглингни бир тут,*
*Тилию кўнгли бир киши айтган сўзга бут.*

* * *

*Умрни зое этма, меҳнат қил,*
*Меҳнат саодатнинг калиди бил.*



Китоб — билим манбаи

Дилкаш суҳбатлар



# ОҚ ТОНГЛАРДАН ОҚШОМЛАРГАЧА

**Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин САЙЙИД билан мусоҳаба**

**— Сирожиддин, аввало суҳбатимизни ҳаммамиз учун қадрли бўлган «Тошкент оқшоми» газетасидан бошласак. Маълумки, ижодий фаолиятингизнинг тонглари «оқшом» газетасининг таҳририятида оқарган. Ўша тонгларни бир эслаб ўтсангиз...**

— Тошкент, «Тошкент оқшоми» деган сўзлар менинг ҳаётимга ўрта мактабда, 7-8-синфларда ўқиб юрган чоғларимданоқ мустаҳкам ўрнашиб олган. Ўша пайтлар кўнглимда эндигина ёзишга ҳавас пайдо бўлган, мактаб деворий газетаси, туман ва вилоят газеталарида у-бу машқларим гоҳ-ногоҳ кўриниб. республика болалар ва ёшлар нашрларигача хат-хабарларим билан тўхтовсиз «ҳужум» бошлаган эдим. Тошкентдаги болалар газетасидан келадиган, тагига ҳамиша «Т.Ҳобилов» деб имзо чекадиган бўлим муҳаррирининг «Кўп ўқинг, ғайрат қилинг. Сизга албатта омад ёр бўлади» мазмунидаги хайрихоҳона хатларидан бисотимда ярим жамадонча йиғилиб қолган эди. Кейин, Тошкентда ўқиб юрадиган ҳамқишлоқларимиздан қайси биридир таътил пайти «Тошкент оқшоми» газетасининг бир нечта сонларини олиб борган, улардан биттаси синфдошим орқали менга ҳам насиб этган эди. Газета ҳақиқатан ҳам исми-жисмига монанд, номидан тортиб саҳифаларию, пойтахт ҳаётидан берилган турли-туман хабар-мақолалари, суратларигача жозибали ва жалб қилувчи эди. Ичларим қизиб, тезроқ мактабни битирайину зудлик билан Тошкентга бориб, тақдиримнинг пайидан бўлай деган астойдил иштиёқ қалб-қалбимга жойланди қолди.

Кейин неча фасллар ўтиб, билсам, менга икки йиллаб, эринмай, ҳафсала билан хатлар ёзган, умид ва ишонч билан қараган «Т.Ҳобилов» деган киши катта адибимиз Тоҳир ака, Тоҳир Малик экан. Ҳозирга қадар ўша маъсум хатларни эсласам, руҳимга бир қадрдон илиқлик югуради, шундай беғараз-беминнат зотлар олдида ич-ичимдан миннатдор бўлиб юраман.

Тоҳир ака айтганларидай, кейин ғайрат қилиб, ТошДУ, (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг журналистика факультетига ўқишга кирдим. Талабаликнинг орзу-ҳавасларга ғарқ, учрашувлару шеърият кечалари, синовлар ва китобларга бой, сурур ва орзиқишлар, соғинчларга тўла беш йили жуда тез ўтиб кетди. Ва мен, ажойиб тонгларнинг бирида олий маълумотимга шаҳодат берувчи дипломим билан «Тошкент оқшоми» газетаси бош муҳаррирининг қабулхонасида пайдо бўлдим...

Энди бу томони алоҳида батафсил мавзу. Фақат бир ҳолатни айтиб ўтишни истардим. Мен «оқшом»га ишга келиб, кўп устозлар орттирдим, ҳаётида қаламдан бошқа мадад-тиргаги бўлмаган кўплаб ҳалол, заҳматкаш инсонлар билан танишдим, оға-ини тутиндим, уларнинг ғаму қувончларига шерик бўлдим, ҳаётни, дунё ва одамларни шу даргоҳ боис англай бошладим. Саккиз йилим «оқшом»да кечган бўлса, бу йиллар ҳаётим-тақдиримда саккиз йиллик дорилфунунни битириб чиққандай ўчмас из қолдирди. Бундаги меҳру муносабат туфайли Тошкент она шаҳримга айланди, унинг чироқларию фавворалари опа-сингилларимдек азиз ва яқин бўлиб қолди. Ҳаётимнинг жозиб ва мунаввар шеърий оқшомлари шу қадрдон газетанинг йўлакларидан ранг ва таровот олди.

**— Суҳбатимиз ўз-ўзидан шеърият ва шеър мавзусига уланмоқда. Шеър — кўнгил мулкидир. Сиз бугунги кунда ўзбек назм бўстонида сермаҳсул ижод қилаётган ўткир қалам соҳибларидан бирисиз. Истеъдод ва қобилият, ижод заҳмати, ҳаёт ва шеърият ҳақида ҳар бир ижодкорнинг ўз нуқтаи назари бўлади. Сизнинг фикрингиз қандай, ҳаётингизни адабиётсиз, шеъриятсиз тасаввур эта оласизми?**

— Бир шеъримда «Навоий бободан кейинги то ҳозирга қадар бўлган барча шоирлар у зотнинг ўринбосарларидир» деганга ўхшаган нисбийроқ гапни айтгандим. Албатта, ҳазрат бобомиздек шеъриятнинг улуғвор уммонига муносиб муовин бўлиш — қийин масала. Муносиб неваралари бўлишга интилиш, бу интиҳосиз тафаккур денгизидан умр бўйи ўрганиш, фарзандларга ўргатиш, ёш авлод қалбига юқтириб-сингдириб бориш — ҳаммамизнинг бурчимиздир. Навоий бобомиз олдидаги бурч — Ватан олдидаги бурчдай муқаддас ва мустаҳкам бўлмоғи керак.

Истеъдод, қобилият, шак-шубҳасиз, Яратган томондан берилади. Уни камолга етказиш, бор меҳнату заҳматини тортиш эса истеъдод эгасининг зиммасига юклатилган. Истеъдод билан меҳнат — бир-бирисиз яшолмайдиган, бир-бирига пайванд эгизак оға-инилардир.

Бир донишманд: «Эҳ, гоҳи шўр, гоҳи тузсиз қисмат» деган экан. Шахсан ўзимга келсак, қисматдан нолишни ёқтирмайман. Раҳматли Мамасаййид бобом бир замонлар «кўчат экинг, боғ қилинг» дея васият қолдирган экан – мендан боғбон чиқмади, далада кетмон чопдим — деҳқончилик ҳам қўлимдан келмади, раҳматли отам қўй билан мол олиб берди, қўлимга ўроқ тутқазди, «Беда етилибди, ўрсанг, қишда мол-ҳолингга хашак бўлади» деди – афсуски, бунисини ҳам эплолмадим. Алал-охир, қисмат қаламни раво кўрди, «ҳайё ҳуйт» деб шеър билан кўнгилнинг измидан кетдим. Бироқ ҳозирга қадар бирор-бир ишимдан қониқолмадим, ҳозирга қадар китоб, қалам ва қоғоздан яқинроқ, азиз ва садоқатлироқ бирор дўст ҳам тополганим йўқ. Шулардан келиб чиқиб айтишим мумкин: шунча йиллар сўзнинг тупроғию лойига қоришиб, бир кўримсиз кулба тиклагандай бўлибман, унинг дарчасига осмондан ойна, юлдузлардан нур ва зиё олибман, сўзнинг ўт-ўланлари билан томини ёпиб қўйибман. Тақдиримдай ҳар тонг, ҳар оқшом чорлаб, чақириб тургувчи бу жайдаригина кулбамдан воз кечишим энди қийин бўлса керак. Ўз ишига абжир, фидойи, уддабурро элдошларимнинг катта-катта, кўркли-маҳобатли уйларию иморатларига ҳар тонг ё оқшом ҳавас билан қарайманда, шу мўъжазгина кулбамга кириб бекиниб оламан. Кейин элдошларимдан фахрланиб, ғурурга тўлиб, офаринлар айтиб, уларга атаб шеърлар, қўшиқлар ёзаман...

**— «Оқшом»да севимли шоиримиз Муҳаммад Юсуф билан ҳам бирга ишлагансиз, бирга юриб, қадрдон дўст бўлгансиз. Кўп адибларимизнинг, жумладан, Сиз билан Муҳаммаджоннинг ижоди ҳам шу газетада сайқал топиб, шу ердан шоир бўлиб элга танилгансизлар. Ўша йилларнинг хотираларидан сўзлаб берсангиз...**

— У хотиралар «Оқшом»да кечган оқшомлар» номи билан шу газетада, китоб ва журналларда ҳам бир неча маротабалаб босилган. Уларга муфассал тўхталмоққа ҳозир ҳожат йўқ деб ўйлайман. Дарҳақиқат, Муҳаммаджон «Тошкент оқшоми»дан элнинг катта шоири бўлиб чиқиб кетди. «Оқшом» саҳифаларида босиладиган ҳазил-ҳузул шеърий луқмаларига «Мақсад Яхшиев» деб ўзига хос тахаллус топган эди. Яхши инсон, яхши шоир эди, шу боис мақсади ҳам доим яхшилик эди.

Замонавий қўшиқчилик санъатимизнинг ривожида Муҳаммад Юсуф шеъриятининг ўрни беқиёсдир. Унинг шеърлари билан қўшиқчилигимиз янгича тароват ва маъно касб этди. Муҳаммаджон содда, дардли, жозибали шоир эди. Шу сабабли қўшиқлари ҳам жозибали ва ҳаммага севимли бўлди. Ҳозирда қўшиқбоп шеърлар ёзаётган баъзи бир шоир укаларнинг қофияли «ялламаёрим»ларига қараб: «Яхши бўлмабди-да, Муҳаммад Юсуфнинг «ксерокопияси» га ўхшаб қопти-да» дегингиз келади.

Шу ўринда гўзал ва ҳақиқий қўшиқларга эҳтиёжнинг давлат миқёсига айлангани, юксак эътибор ва ғамхўрлик натижасида муҳтарам Президентимизнинг «Ягонасан, муқаддас Ватан» қўшиқлар танловини ўтказиш борасидаги қарори маънавиятимиз учун нақадар муҳим ва долзарблигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

**— Айни кунларда азим пойтахтимиз Тошкентнинг 2200 йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик кўрмоқдамиз. Тошкент Сизнинг ҳаётингиз ва ижодингизда қандай ўрин эгаллайди? Пойтахтимиз ҳақида ўйларингиз...**

— Бошқа юртларга борсам бир кунда, Сурхондарёга, ўзимизнинг уйимизга борганда, онамнинг ёнида туриб уч кунда соғина бошлайдиганим дийдор ва соғинчлар шаҳри — Тошкент.

Истиқлолимиз шарофати билан бугунги кунда жаҳоннинг гўзал ва обод ҳамда сариштa кентларидан бирига айланиб бораётган оламшумул шаҳар. Домла Ғафур Ғуломнинг сатри эсингиздами: «Миср эҳромларидан тарихинг қарироқдир». Катта элга катта тўю байрамлар ярашади. Буюк юртнинг тарихи ҳам, саналари ҳам буюк бўлиб келган. Биз давлатимиз раҳбарининг узоқни кўра билгувчи, донишмандона сиёсатининг пировард натижаси ўлароқ заҳматкаш элимиз билан бинойидек давлат қурдик. Ўн саккиз йил навқирон ўспиринлик ёшига қарамай мустақил диёримиз донғи рўйи жаҳонга ёйилди.

Не-не улуғ зотларга бешик бўлган, эзгулик ва садоқат дарвозалари узра осойишталикнинг лайлак ва турналарини тимсол этган қадрдон ва жонажон пойтахтимиз Тошкент — буюк Истиқбол китобининг улуғвор зарсаҳифаси янглиғ порлаб, ярқираб турибди.

Менинг ҳаётим ва қисматимда бу шаҳарнинг ўрни... Мустақиллик майдони билан Миллий университет биноси, «Шаҳидлар хиёбони»ю осмонўпар телеминора, азим чинорлару янги қурилган йўллар-кўприклар янглиғ, уларга нечоғли керак бўлса, чақалоқ учун бешик қандай ўрин тутса — Тошкент менинг ҳаётим ва қисматимга ҳам худди шулардай дахлдордир. Уйларию айвонларини соғиниб келгувчи қалдирғочлари бизнинг қалбларимиз, қабоқларимизга ин қурадилар. Бинолари билан уйлари орзу-мақсад қалдирғочларининг тинч-осойишта ошиёнларига ўхшаб кўринадилар.

**— Ёш ижодкорларга беш маслаҳатингиз...**

— Биринчиси — мутолаа, иккинчиси — кўпроқ мутолаа, учинчиси — янада кўпроқ мутолаа. Ҳаёт синовларидан чўчимаслик. Кейингина ёзишга киришинг. Ёзгандан кейин ўчириб ё йиртиб ташлашни ҳам билиш керак бўлади. Ёзганларингизнинг ҳаммасини дарров чиқаришга шошилманг. Яхши шеър ҳам яхши келинчакдай гап, ҳар жойда ҳаммага ҳам дарров юзини кўрсатавермаслик керак.

**— «Оқшом»хонларга янги шеърингиздан ҳадя этсангиз.**

* * *

**Бобожонимнинг Ватани,**
**Отажонимнинг Ватани,**
**Болажонимнинг Ватани,**
**Кўксимни тоғ қилиб юрдим-ай,**
**Болталар кесмагин муртим-ай.**
**Онажонимсан сен ўзинг,**
**Қошу кўзимсан, юртим-ай.**

**Ой десам, ойларинг синглимдай,**
**Кун десам, кунларинг кўнглимдай.**
**Номингни айтсам олам аро**
**Тоғ топилмагай кўксимдай.**

**Бургутлар мисоли учдим-ай,**
**Осмонларингни қучдим-ай.**
**Тупроғингга топиндим мен,**
**Шундадир етти пуштим-ай.**

**Дилдаги меҳр ила шафқатим,**
**Қуёшли кўрғоним, давлатим.**
**Сўнмаган ғururим сен ўзинг,**
**Сен ўзинг шон ила шавкатим.**

**Дилором ИКРОМОВА**
**суҳбатлашди**

Устозлар бисотидан

**Ўлмас УМАРБЕКОВ,**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси**

## СОАТ

Биз кўпчиликмиз. Дадам, ойим, мен. Тўртта укам ҳам бор. Ойим билан дадам ишлашади. Мен ўқийман, иккита укам ҳам ўқийди. Шунинг учун ҳам ҳар бир хонада соат бор. Биттасида осма соат, биттасида будильник. Лекин ҳеч қайсимиз бу соатларга қарамаймиз. Ойимлар ўзлари юргизиб турсалар ҳам, қарамайдилар. Ҳаммамиз вақтни дадамлардан сўраймиз. Уларнинг қўл соатлари бор. Оддий, лекин катта соат. Билакларига зўрға сиғади. Будильникка ўхшаб «жаранг-журинг», «жаранг-журинг» қилиб юради.

Бу соат бувамларники. Улар урушда ҳалок бўлганлар. Уйга қорахат билан шу соат келган. Ўшанда дадам ҳам фронтда эдилар. Ойим қутичага солиб беркитиб қўйганлар. Дадам қайтиб келганларидан кейин ҳам анчагача кўрсатмаганлар. Мен туғилганимдан кейин кўрсатганлар. Шундан бери қўлларидан тушмайди.

Ишхонадан тақдим қилишган соатлари ҳам бор. Тақмайдилар. Шуни тақадилар.

Таниш-билишлар баъзан:

— Бошқасини тақинг, эскиб кетибди-ку! — дейишади.

Шунда:

— Бу оддий соат эмас, дадамларники, — дейдилар.

Яқинда мен ўрта махсус ўқув юртига кирдим.

— Мана, — дедилар шунда қўлларидан ечиб, — катта бўлиб қолдингиз. Сиз тақинг.

Энди уйда вақтни ҳамма мендан сўрайди. Дадамларнинг ўзлари ҳам мендан сўрайдилар. Минут, секундигача айтиб бераман соатимга қараб. У жудаям катта. Билагимга зўрға сиғади. Будильникка ўхшаб «жаранг-журинг», «жаранг-журинг» қилиб юради. Рақамларига доғ тушган. Лекин оддий эмас, дадамларники.

## ДУТОР

У ғира-ширада уйдан чиқарди. Қўлида кетмон сопидек узун сопли эркаксупурги, челак. Чиқарди-ю, кўчага разм соларди. Кечқурун қалин қилиб сув сепилган асфальт тротуарнинг нами тарқалган. Шарқираб оқаётган ариқ бетидаги қатор ёш чинорлар орасидан танга-танга нур тушиб турибди. Ҳамма ёқ топ-тоза. Шундай бўлса ҳам у ер-бу ерга супурги уради, кейин кўчага чиқаверишда бурчак бўлиб тушган беш қаватли уй томон юради.

Нафақага чиққандан бери у шу ерларни супуриб-сидиради. Уйда ўтириб бўлармиди. Кампирнинг ўзига иш етмайди-ю, у нима қилади? Яхшиям шу ишни беришди. Тўғрироғи, ўзи сўраб олди. Бўлмаса юраги нақ ёрилиб кетарди.

Катта уйнинг олдидаги хиёбонни, йўлакларни тозалаб бўлгач, муюлишдаги дераза тагига келиб туради. Шу ерда у машқ эшитади, дутор машқини эшитади. Бир ойча бўлиб қолди, кимдир шу уйда ҳар куни саҳарда дутор чалади. Кўп эмас, уч-тўртта куй чалади. «Чор зарб»ни чалади. «Тановар»ни. Яна нималарнидир чалади. Кейин дутор тинади. Тингунча у қулоқ солиб туради. Қўлида кетмон сопидек узун сопли супурги, челак.

У ҳам чаларди, яхши чертарди дуторни. Айниқса, «Тановар»ни чертганда, юракларни сел қилиб юборарди. «Қўйинг, бўлди», дерди кампири тушмагур енги учи билан кўзларини артиб. Мана энди ўн етти йилдан бери қўлига олмайди дуторни. Уйининг тўрида, ўғлининг ҳошияли рамкадаги сурати тагида осиғлиқ турибди. Ҳар куни бир қараб қўяди, лекин тегмайди. Юраги бетламайди тегишга. Уни мактабни битирганда ўғлига ҳадя қилган эди. Раҳматлик чалолмади, урушда йўқ бўлиб кетди. Шу-шу, деворда осиғлиқ. Ҳеч ким тегмайди — на кампири, на ўзи.

Дераза тагида чол машққа маст бўлиб ўғлини ўйларди. Тирик бўлганда у ҳам шунақа чалармиди?

Бир куни хаёлга чўмиб ўтирганида катта уйдан бир йигит чиқди. Қўлида қизил духоба ғилофли дутор. Чолни кўриб салом берди.

— Яхши чертаркансиз, — деди чол. — Лекин дуторингизнинг мазаси йўқ.

— Ҳа, — деди йигит, — қорни ёрилган эди, яхши тузатолмадим.

Эртасига у катта уйга эртароқ келди-да, деразани тақиллатди. Йигит чиқди.

— Кечирасиз, ўғлим, безовта қилдим, — деди чол. — Манавини чалинг-чи.

Бу ўша ўғлига ҳадя қилган дутор эди.

Берди-ю, хиёбонга ўтиб кетди.

Кўп ўтмай «Тановар» жаранглади. Чол дераза ёнига келди. Машққа маст бўлиб туриб қолди. Қўлида узун сопли супурги, челак...

Болалар — лолалар

### БОТИРАЛИНИНГ САВОЛЛАРИ

Гапга чечан набирам Ботирали,
Аҳён-аҳён бошимни қотиради.
Саволлари ажабтовур, турфа ранг.
— Бобо, — дейди майналарга бир қаранг!
Тўрғай нега кўкда қанот қоқмайди...
Қумриларга новвот берсам боқмайди...
Нега қирни хуш кўради чақчиғай?
Яқин борсак каклик чўқиб-чапчигай.
— Шўх болалар қувлашган-да тош отиб,
Шунинг учун тоққа кочган бош олиб...
— Шаҳарликлар булбул созин уқканми?
У ерда ҳам уя солиб, туққанми?
— Битта булбул чидаб йўғу борига,
Қувончларин қўшиб ғижжак зорига,
Макон тутиб қўниб олган, кўниккан,
Камолиддин Раҳимовнинг торига.

### ЛАЙЛАКЛАР ҚЎНАЛҒАСИ

Уйчи билан Жийдакапа ораси
Лайлакларнинг қўналғаси саналар.
Уя солган сим ёғочнинг устига,
Йўловчилар тўхтаб ўтар, лол қолар.

Кўп йил бўлди ўрганишиб қолишди,
Кўркам Норин атрофларин хуш кўриб.
Аста-секин кўникишди, мослашди,
Нил дарёсин қиёс қилиб, туш кўриб.

Ҳар уяда қўш полапон мўлтирар,
Чунки улар, теша қанот учолмас.
«Так-так» қилиб, қулочларин кенг ёзиб,
Кўксин кериб, шамолларни қучолмас.

Июль ойи, авжи жавзо-саратон,
Дош беролмай ҳансирайди полапон.
Она Лайлак елпиғичлар дамо-дам,
Қанотлари ажабтовур соябон.

Ота Лайлак тумшуғида сув ташир,
Қушлар учун бу иш оддий ҳолмикин?!
Уларнинг ҳам орасида тошмеҳр,
Оқпадари бўлармикин, бормикин?!

**Турсунбой**
**АДАШБОЕВ**

Танловлар

# ЖОЗИБАЛИ РАҚСЛАР КЎРИГИ

**Ўзбек миллий рақс санъати қадимдан барчанинг эътиборини тортиб келади. Албатта, хурсандчилик кунларимиз, шодиёна байрамларимиз, тўй-ҳашамларимиз куй-қўшиқ ва шўх рақсларсиз ўтмайди. Гўзал рақсга тушиш ҳам бир санъат. Айтиш жоизки, мамлакатимизда ўзбек миллий рақс санъати мактабини яратган санъаткорлар кўп.**

Дарҳақиқат, «саҳна маликаси» номини олган севимли санъаткоримиз Мукаррама Турғунбоева, Галия Измайлова, шунингдек, рақс санъати усталари Қ.Миркаримова, З.Мадраҳимова, Ф.Солиҳова, М.Эргашева, Ю.Исматова сингари кўплаб рақс санъати усталарининг нафис ва жозибали рақсларига мафтун бўлмаган киши бўлмаса керак.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги 1998 йилдан буён ҳар йили анъанавий тарзда ўзбек миллий рақсининг буюк намояндаси Мукаррама Турғунбоева номидаги миллий рақс ижрочилари республика кўрик-танловини ўтказиб келмоқда. Ушбу танловдан кўзланган мақсад, ўзбек миллий рақс санъати тарихий анъаналари ва услубларини тиклаш, республикамиз барча вилоятларидаги ўзига хос рақс йўналишларини асраб-авайлаш ва бойитиш, миллатимизга хос шарқона фазилатлар, бой маънавиятга монанд рақсларни тарғиб этиш, шунингдек, бугунги кун талаби ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда миллий рақс санъатининг оммалашувига зарур шарт-шароитлар яратишдан иборатдир.

Яқинда Ўзбекистон Давлат консерваториясида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Мукаррама Турғунбоева номидаги «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмаси ташаббуси билан Мукаррама Турғунбоева номидаги миллий рақс ижрочилари республика кўрик- танлови бўлиб ўтди. Унда танлов шартларига кўра 18 дан 25 ёшгача бўлган «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмалари, академик ва халқ бадиий жамоаларида, санъат ва маданият муассасаларида камида икки йил рақс санъати йўналишида фаолият олиб бораётган ёш истеъдодлар қатнашдилар. Бу йилги танлов шартига кўра иштирокчилар ўзбек мумтоз рақс усталари Мукаррама Турғунбоева, Исохор Оқилов, Галия Измайлова, Қундуз Миркаримова, Розия Каримова, Юлдуз Исматова, Олим Комилов ва бошқа устоз санъаткорлар саҳналаштирган ёки ижро этган асарлари ҳамда ўзбек миллий рақс санъати анъаналари, бугунги кун ижодидаги рақсларни ижро этиб, ҳайъат аъзолари томонидан муносиб баҳо олдилар. Иштирокчиларнинг жозибали, мафтункор рақслари йиғилганларнинг олқишига сазовор бўлди.





Танлов якунида ҳайъат аъзолари томонидан ғолиблар эълон қилинди. «Тошкент зеболари» рақс ансамбли раққосаси Умида Ботирова биринчи ўринга муносиб деб топилди. Миллий рақс ва хореография олий мактаби ўқувчиси Ҳилола Акбарова ва Андижон вилояти академик халқ бадиий жамоаси аъзоси Нодира Ўринова иккинчи ўринга сазовор бўлдилар. Шунингдек, учта номзод учинчи ўрин соҳиблари бўлишди. Танлов сўнгида ғолиблар ва санъат усталари ижросидаги концерт дастури йиғилганлар қалбига хуш кайфият улашди.

**Гулором ҲАМИДОВА**

**СУРАТЛАРДА: танловдан лавҳалар. Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

Мусобақалар

# ЯККАСАРОЙ ЖАМОАСИ — ШОҲСУПА ТЎРИДА

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали ташаббуси билан шаҳар ва туманлар хотин- қизлар қўмиталари, шаҳар ва туман «Маҳалла» жамғармалари ҳамкорликларида 1996-1997 йилларда туғилган қизлар ўртасида қизиқарли спорт мусобақалари ўтказилди.**

Жамғарма филиали соврини учун спортнинг қўл тўпи тури бўйича уюштирилган ушбу мусобақада 11 та тумандан 14 нафардан қизлар ва 2 нафар мураббийлардан иборат жамоалар, жами 150 нафардан ортиқ қизлар иштирок этди.

— «Асалим» деб номланган мазкур спорт фестивалининг аввало маҳалла ва туман босқичлари катта тайёргарлик билан ўтказилиб унда юқори ўринларни эгаллаган жамоалар мусобақанинг шаҳар босқичида қатнашдилар. Ғалабага астойдил интилган ҳар бир қатнашчининг саъй- ҳаракати билан ғолиблар сафидан муносиблар ўрин олди,— дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали директори Асқар Толибжонов. — Ёшларни, айниқса қизларни спортга кўпроқ жалб этиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида ташкил этилаётган бундай мусобақалар нуфузи тобора ортиб бормоқда. Мақсадимиз соғлом фарзанд ва соғлом онага қаратилган экан бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришимиз ва саломатлик гарови бўлган спортнинг ҳар бир хонадонга кириб боришига эришишимиз керак.

Яккасарой туманида жойлашган «Қушбеги» болалар спорт мажмуасида кўтаринки руҳда бўлиб ўтган ушбу мусобақада Яккасарой тумани жамоаси ғолибликни қўлга киритди. 2-ўринга Бектемир тумани ва 3- ўринга Собир Раҳимов тумани жамоалари лойиқ деб топилди. Ғолиблар жамғарма филиали томонидан Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Шаҳризода МУҲСИМОВА**

**Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент шаҳар Кенгаши ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмонан ва маънан соғлом, баркамол бўлиб вояга етишлари, спорт билан шуғулланиб, она Ватаннинг жасур ҳимоячиси бўлишларига муносиб ҳисса қўшиб келаётган ташкилотлардан биридир.**

«Ватанпарвар» ташкилотларида

# СПОРТ ТЎГАРАКЛАРИ — ЁШЛАР ХИЗМАТИДА

Хусусан, шаҳар Кенгашининг «Вояга етмаганлар билан ишлаш» бўйича мувофиқлаштирувчи комиссияси томонидан ўрта-махсус, касб- ҳунар таълими маркази, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, ички ишлар органлари, «Камолот» ЁИҲ, мудофаа бўлимлари, хотин- қизлар қўмиталари, касаба уюшмалари каби бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда муайян ишлар олиб борилмоқда.

Ҳозирги кунда ташкилотнинг Тошкент шаҳри ҳудудида 11 та ўқув спорт-техника клублари, бирлашган техника мактаби ва улар қошида ҳамда бошланғич ташкилотларда спортнинг авторалли, автокўпкураш, авто, мотокросс турлари бўйича спорт секциялари фаолият юритиб келмоқда.

Ушбу спорт секциялари ва тўгаракларида мунтазам спорт билан шуғулланиб келаётган 10-14 ёшдаги вояга етмаган ўсмирлар — ўғил болалар 893, қиз болалар 268 нафар, 15-18 ёшдагилар — ўғил болалар 3540, қиз болалар 485 нафарни ташкил этади. Шу кунгача шаҳар миқёсида спортнинг турли йўналишлари бўйича 450 та мусобақалар ўтказилди. Улардан 267 таси туман ташкилотларидаги спорт техника клубларида бўлиб ўтди. Мусобақаларда эса 3256 нафар ўсмирлар иштирок этди.

— Спорт секциялари ва тўгаракларда ўсмир-ёшларнинг мунтазам шуғулланишлари ва бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга кўмаклашиш, турли спорт мусобақаларини уюштириш уларнинг жисмонан соғлом, теран фикрловчи, комил инсон бўлиб вояга етишларига замин бўлмоқда, — дейди биз билан суҳбатда Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари Иззат Ямонов. — Шунинг учун ҳам биз маҳаллаларда ёшлар ва ҳарбийга чақирилувчилар орасида ҳарбий -ватанпарварлик руҳидаги ишларни жонлантириш, спортнинг техник ва амалий турларини омма орасига олиб кириш, ҳарбий аҳамиятга эга бўлган оммавий техник касб мутахассисларини тайёрлаш, бир сўз билан айтганда эса ёшларни она Ватанимизга муносиб бўлиб вояга етишларига ҳисса қўшиш мақсадида иш олиб боряпмиз.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

## ҲИКМАТЛАР

### МАХТУМҚУЛИ

**Ҳар кимнинг ўзига Мисрдир жойи,
Ёдингдан чиқмайди байрами, тўйи,
Жон соғлиқнинг бўлмас
ҳеч тенги-тойи,
Оқшом ётиб, эрта шукрин қил яхши.**

* * *

**Бир бевафо ёрга кулиб боққандан,
Ширин жонни ишқ ўтига ёққандан,
Ёт элларда мусофирлик тортгандан,
Урса, сўкса, хўрласа ҳам эл яхши.**

* * *

**Махтумқули, сўз сўзлагил
ҳар бобдан,
Бу дунё тутдирмас, чирикдир тубдан,
Маъракада маъноси йўқ бад гапдан
Бир шивиллаб эсадиган ел яхши.**

* * *

**Кимлар тоққа чиқар бўлди,
Кимлар уни йиқар бўлди.**

* * *

**Қарилар дер: «Қани,
йигитлик ҳолим»,
Неча айтар: «Қариликдир хаёлим».**

* * *

**Оғалар, дунёнинг поёни бўлмас,
Бошга иш тушганда
қариндош келмас.
Маъракада ўйнаб ҳеч кўнгли тўлмас,
Армон билан кечар йили ёлғизнинг.**

* * *

**Ҳеч ёлғиз йигитнинг билинмас иши,
Қўлида мол бўлмас, кўнглида хуши,
Ёстиқ қўйиб ётса, оғриса боши,
Кўзида қонли ёш тўла ёлғизнинг.**

* * *

**Махтумқули, ёлғон-яшиқ сўзлама,
Нуқсонинг ичидан хайр кўзлама.
Кўнгилдаги дардингни айт, йиғлама,
Эл-улусдир дўсти ёри ёлғизнинг.**

* * *

**Доно сўзга кулар нодон,
Сўз маъносин билмагунча.**

* * *

**Ақли бўлган шароб ичмас,
Яхши элдан одам кўчмас.**

* * *

**Тоғ бошидан қори кетмас,
Номард элга хизмат этмас,
Эр йигитнинг кўнгли битмас
Танлаб жонон олмагунча.**

* * *

**Эр йигитлар доим йиғлар
Мардга ҳамроҳ бўлмагунча.**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида 2009 йил 30 июн куни соат 11:00да такроран бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**I.** Тошкент шаҳар Мирobod туман суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот маркази омборхонасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари: **1.** ЖИБ Тошкент шаҳар Яккасарой туман судининг 6.10.2008 йилдаги №1-416/08-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Матиз" русумли, д/р 30S1683 бўлган, 2006 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 8 687 465 сўм. **2.** ЖИБ Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман судининг 05.03.2009 йилдаги №1-465/09-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "ТИКО" русумли, д/р 10P2214 бўлган, 2002 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 6 973 122 сўм. **3.** ЖИБ Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 10.12.2008 йилдаги №1-1324-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "ЕРАЗ" русумли, д/р 11I0636 бўлган, 1983 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 920 628 сўм. **4.** ЖИБ Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 27.03.2009 йилдаги ижро варақасига асосан хатланган, "ВАЗ-2105" русумли, д/р 30J7844 бўлган, 1984 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 3 172 712 сўм.

**II.** Тошкент шаҳар Бектемир туман суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот маркази омборхонасида сақланаётган **1.** ЖИБ Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туман судининг 11.06.2008 йилдаги № 1-346-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "ВАЗ-21083" русумли, д/р 11Q7320 бўлган, 1990 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 3 500 000 сўм. **2.** ЖИБ Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман судининг 26.09.2008 йилдаги № 1-679/08-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "ВАЗ-21063" русумли, д/р 30J6838 бўлган, 1985 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 3 000 000 сўм. **3.** ЖИБ Тошкент вилоят судининг 01.08.2009 йилдаги ижро варақасига асосан хатланган, "Ваз 217003-110-01" русумли, д/р 30X1927 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 17 840 000 сўм.

**III.** Тошкент шаҳар Ҳамза туман суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент шаҳар Ҳамза туман, Мўйноқ кўчаси, 241-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: **1.** ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 31.07.2007 йилдаги №ЖСК-439/07-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Дамас" русумли, д/р 10AV821 бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 8 654 456 сўм. **2.** "ВАЗ-21061" русумли, д/р 11X5785 бўлган, 1988 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 4 663 934 сўм 40 тийин. **3.** ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 25.02.2008 йилдаги №ЖСК-503/08-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Мерседес Бенс-190" русумли, д/р 10X6212 бўлган, 1993 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 13 593 641 сўм. 4. "ВАЗ-11183-110-20" русумли, д/р 30T0344 бўлган, 2006 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 13 920 000 сўм.

**IV.** Собир Раҳимов туман суд ижрочилари бўлими томонидан, **1.** ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 26.12.2008 йилдаги 10-0804/14268 сонли ижро варақасига асосан хатланган, Собир Раҳимов тумани, Жомий кўчаси, 20-уйдаги "Жиҳоз" ОАЖнинг "Б" блок майдони 378 кв.м. бўлган, 1943 йилда қурилган савдо дўкони. Бошланғич баҳоси 162 500 000 сўм. **2.** Тошкент шаҳар хўжалик судининг 05.01.2009 йилдаги, №10-0814/14878-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳар, С.Раҳимов тумани, Жомий кўчаси, 20-уй манзилидаги "Жиҳоз" ОАЖга тегишли, майдони 959 кв.м. бўлган, қурилган йили номаълум омборхона биноси ("К" блокининг бир қисми). Бошланғич баҳоси – 500 000 000 сўм.

Мазкур мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар "Савдо ташкилотчиси" билан тузилган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Савдо ташкилотчиси" РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., М.Ўразбоев кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz

Савдоларга марҳамат!

**ОАЖ «8-сонли Автосарой»**

«Исузу» ва "Мерседес Бенц" автобусларига "Д" тоифали ҳайдовчиларни ҳамда чиптачиларни

**ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ**

**Телефонлар:**

**224-06-07, 224-05-10, 111-05-17, 111-88-54**



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

**Нашр кўрсаткичи — 563**

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3676 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

**Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.**

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

156789

Буюртма Г- 506

Топширилган вақти: 13.25